

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O`RTA MAXSUS TA`LIM VAZIRLIGI  
NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
NAMANGAN STATE UNIVERSITY

**"BOSHLANG'ICH TA'LIM: MUAMMO VA  
ISTIQBOLLAR"**  
III-Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Namangan 2020 25 iyul

**«НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ»**  
III-Международная научно-практическая конференция. Наманган  
25 июля 2020 года

**“PRIMARY EDUCATION: PROBLEMS AND  
PROSPECTS”**  
III-International scientific-practical conference.  
Namangan July 25, 2020

Сборник научно-методических статей

**III-Международная научно-практическая конференция:**  
**«НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ  
И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

# **ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЖОДКОРЛИК ВА ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Курбонова Шоира Нарзуллаевна,  
ўқитувчи  
Тўймуродова Нилуфар Исмоил қизи,  
талаба  
Бух ДУ*

**Аннотация.** В данной статье рассмотрено содержание профориентационных работ на уроках технологии.

**Ключевые слова:** Национальная программа по подготовке кадров, общее среднее образование, профессионально-техническое моделирование, современные педагогические технологии.

**Annotation.** This article discusses the content of career guidance work in technology lessons.

**Key words:** National training program, general secondary education, vocational modeling, modern pedagogical technologies.

Республикамизда таълим ислоҳотлари босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ҳозирги даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан ва ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, касб-хунарга йўналтириш соҳасида мавжуд бўлган илмий хуносалар ва тавсиялар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, хусусан, касблар олами билан таништириш усулларини янгилаш зарурати юзага келмоқда. Умумтаълим муассасаларининг бошланғич таълимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларни касб-хунарни онгли равишда ва тўғри танлашига кўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу сабабли бошланғич таълим муассасаларининг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда меҳнат таълими ва тарбияси жараёнида ўқувчиларни касб-хунар танлашга йўналтириш, меҳнат таълими ва тарбияси жараёнининг узвийлигини таъминлаш, замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида касб-хунарга йўналтириш бўйича юқори самарадорликка эришиш ўқитувчиларга муҳим вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов: «Таълим-тарбия тизимидағи ислоҳотлар бошланган дастлабки йилларда мен жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини қўп бор оқлаган хақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффиқти»га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдим»- деб айтиб ўтган.

Шу сабабли бошланғич таълим муассасаларининг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда технология таълими ва тарбияси жараёнида ўқувчиларни касб-хунар танлашга йўналтириш, меҳнат таълими ва тарбияси жараёнининг узвийлигини таъминлаш, замонавий педагогик технологиялардан

ўринли фойдаланиш ва таълим-тарбия жараёнида касб-хунарга йўналтириш бўйича юқори самарадорликка эришиш ўқитувчиларга муҳим вазифаларни юклайди.

Хозирги кун педагог-ўқитувчиси ўқувчилар келажакда тўғри касб-хунар танлашлари учун мутафаккирларнинг илмий адабиётлари ва асарларидаги касб-хунар ва меҳнат фаолияти тарихини ўргатувчи омилларга таяниб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хозирги кун педагог-ўқитувчиси ўқувчилар келажакда тўғри касб-хунар танлашлари учун мутафаккирларнинг илмий адабиётлари ва асарларидаги касб-хунар ва меҳнат фаолияти тарихини ўргатувчи омилларга таяниб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, бошланғич синф меҳнат таълими дарслари орқали ўқувчиларда ижодкорликни шакллантириш ва боланинг меҳнатга бўлган муносабати муҳим аҳамият касб этади.

Олимларимиздан Р.Мавлонова, Х.Эгамов, И.Чориев, Н.Шодиев, М.Магдиев, Ш.Шарипов, Н.Муслимов ва Х.Санақуловлар хам ўзларининг илмий тадқиқот ишлари, дарслик ва услубий қўлланмаларида бу борадаги ўз фикрларини баён этганлар. Технология таълими ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳаётдаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чикириш меҳнатини бажариш учун зарур бўлган амалий кўнишка ва малакаларни эплашлари, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатлар ва тафаккур тарзини ривожлантиришга қаратилган. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида технология таълими ўқув фанига 1-4-синфларда ҳафтасига 1 соатдан вақт ажратилади.

1-4-синф ўқувчилари қоғоз ва картонни чизиқлар бўйича қирқиш ва букиш ҳамда шу каби операцияларни бажаришни ўрганадилар. Айни пайтда улар деталларни тўғри усулларда бириктириш ва мустаҳкамлашни машқ қиласидилар.

Газлама билан ишлаш болаларнинг натурал ипак ва жун толали материаллар, тўқимачилик саноати маҳсулотларини билиши, намуна, расм, чизма ва берилган ўлчамлар бўйича андоза бичиб олиш билан илк бор таништиришни ўз ичига олади.

Техник моделлаш машғулотларида намуна, расм ва чизмалар, берилган ўлчам, конструктор наборининг деталлари ёки турли материалларни қўллаб оғзаки тасвирлаш бўйича техник ўйинчоқлар, моделлар ва макетлар тайёрлаш назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалик меҳнати бўйича машғулотларда 2-синф ўқувчилари кузда ўқув тажриба майдончасида ўстирилган ўсимликларнинг уруғларини тўплайдилар, ўтган йил давомида майдончада қилган ишларига якун ясайдилар, мактаб кўргазмаси учун экспонатларни ажратадилар. Шундан сўнг ўқувчилар ўқув тажриба майдончадаги ўзларига тегишли бўлган ерни қишига тайёрлайдилар, яъни уни ўсимлик қолдиқларидан тозалайдилар, табиий ва

минерал ўғитлар соладилар, ерни чопадилар. Бу ишлар жараёнида улар шахсий гигиена қоидаларига риоя қиласылар.

Күз ойларида 1-4-синф ўқувчилари хона ўсимликтерини нур ва иссиқликка мослаб жойлаштириш билан танишадилар, уларга сувни түғри қүйиш, тупроқни юмшатиши, ўғитлаш, гултуваклар ҳамда дераза токчаларини ювишни ўрганадилар. Баҳорда 1-4-синф ўқувчилари билан ажратилган ерда катта ва масъулиятли иш олиб борилади. Ўқувчилар ўзларига ажратилган ерни әкинга тайёрлар эканлар, ерни қайта чопадилар, хаскаш билан текислайдилар. Этат олиб, қатор ораларини белгилайдилар.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида меҳнат ахлига ва касб-хунарни әгаллаш малакасига бағишенгандан мисраларни кўплаб учратиш мумкин:

Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,

Ганж топмас ҳеч кимса, тортмас эрса ранж.

Фирдавсийга яқин даврда яшаган шоирлардан яна бири Носир Хисравнинг фикрича, дунёдаги энг олийжаноб ва олийхиммат одамлар - меҳнаткашлар, яъни жамият учун фойдали нарсалар ишлаб чиқарувчи хунармандлар, косиблар, бинокорлардир.

«Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ фазилатларга эга бўлмоғи керак» дейди Абу Наср Фаробий.

Инсоният қадр-қийматини меҳнатда, билимда, хунарга таянишда, бирорвга хор бўлсанлиқда деб билган Саъдий шундай таълим беради:

Ўз меҳнатидан нон еган киши, Хотам миннатидан озод ёз-киши.

Тўғри касб танлаш инсоннинг келажакдаги ҳаёт тарзини белгилашда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ёш авлод ўз касбини қизиқиши, қобилияти, ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиқиб танлайди.

Ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш 4 та босқич асосида олиб борилади.

Биринчи босқич - мактабгача таълим ёши (5-7 ёш). Мактабгача таълим ёшидаги болаларда турли машғулотларда уларнинг қўлларидан келадиган ўйин фаолияти турлари бўйича дастлабки касб-хунар кўникмаларини ижобий, ҳиссий ва таъсирчан шакллантириш.

Иккинчи босқич - бошлангич синфдаги таълим ёши (1-4 синфлар). Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнат таълими дарсларида ўйин қўринишидаги ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятини амалга татбиқ қилиш орқали меҳнат, касб турлари билан таништириб бориш ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқиши ривожлантириш.

Учинчи босқич - ўрта синфдаги таълим ёши (5-7-синфлар). Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларида улардаги қизиқиши, қобилияти, лаёқат ва шахс сифатида жамиятдаги ўз ўрнини топиш кўникмаларини шакллантириш.

Тўртинчи босқич - юқори синфдаги таълим ёши (8-9-синфлар). Ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шакллантириш даврида аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгаллигини тушуниб этиши хислатларини шакллантириш. Бошлангич синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришнинг асосий мақсади ёшларни ўзининг ҳаёт йўлини тўғри белгилашларида ўз

қобилиятлари, қизиқишилари ва мойилликларини ҳамда ижтимоий әхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашларида күмаклашишдан иборатдир. Бизнинг жамиятимиз хар бир шахснинг қобилиятлари тўлиқ намоён бўладиган, юқори самара билан ишлай оладиган фаолият ва шарт-шароитлар билан банд бўлишига катта эътибор бермоқда.

Ўқувчиларни дарс ва дарсдан ташкари вақтларда касбга йўналтиришни қўйидаги омиллар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқувчиларни касблар билан таништириш.
2. Касблар, меҳнат ютуғи талқин этилган асарларни ўқишни тавсия этиш.
3. Касблар ҳақида маҳсус дарслар ўтиш.
4. Ишлаб чикариш корхоналари, фирма, фан, маориф, маданият санъат муассасаларига саёҳатлар ташкил этиш.
5. Меҳнат илғорлари билан учрашувлар, улар эришган ютуқлар ҳақида сухбатлар ўтказиш.
6. Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш ишлари бўйича мультимедиа материалларини кўрсатиш.
7. Ўқувчиларни турли хил касбий тўгаракларга жалб этиш.
8. Касблар ҳақида ўйинлар ташкил этиш.
9. Янги касб ва мутахассисликлар, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш технологиялари билан мунтазам таништириб бориш.

Ўқувчиларни касб-хунар ҳақидаги фикрлари ва тафаккурларини шакллантиришга самарали таъсир этадиган «Дебат», «Тармоқлар» “Кластер” каби интерфаол усуллардан кенг фойдаланиш орқали келажакда қандай касб эгаси бўлишни ҳоҳлашлари ва танлаган касбларининг ўзига хос хусусиятлари, нима учун шу касбга қизиқишилари ҳақида сухбат олиб борилади. «Мен келажакда қурувчи (шифокор, ўқитувчи, муҳандис, учувчи) бўлмоқчиман» мавзусида ташкил қилинган сухбат натижасида ўқувчиларнинг касблар ҳақидаги тушунчалари кенгаяди, касбга бўлган қизиқишилари ортади, ўз мақсад, орзуларини амалга ошириш учун илк қадамлар қўйилади. «Тармоқлар» усули фикрларнинг тармоқланишидан иборат бўлиб, ўқувчиларни мавзуни чукур ўзлаштиришларига ҳамда мавзуга тааллуқли аниқ фикрни жамоа бўлиб, эркин равишда, кетма-кетлик билан, бир-бирига узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади.

Касблар ҳақида маълумот бериш, касб танлашга йўллаш, касб-хунар асосларини ўрганишга йўналтиришни турли ўйинлар орқали амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга эга. Касб-хунарга йўналтириш ишларининг оммавий, индивидуал, гурухли шаклларда ташкил этиш ўқувчиларнинг касблар ҳақида тасаввурларини кенгайтиради ва касб танлашга қизиқишиларини шакллантиради.

Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунар танлашга қизиқтириш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги муҳим вазифа эканлигини ҳаётнинг ўзи айтиб турибди, чунки бу долзарб масалани ҳал этиш учун таълим муассасалари, айниқса, бошланғич синфларда меҳнат дарси ва синфдан ташқари ишларнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

1. Дарсларда касб танлашга йўллаш.
2. Экскурсияларда касб танлашга йўллаш.
3. Тўгарак машғулотларида касб танлашга йўллаш.
4. Меҳнат қаҳрамонлари ва илғор касб эгалари билан учрашувлар.
5. Турли маданий-оммавий тадбирлар ўтказиши.

Шундай қилиб, меҳнат таълим мининг бош мақсади ўқувчиларни меҳнатга ва касбий фаолиятга тайёрлаш, жамиятимиз фаровонлиги учун фидойи ёшларни тарбиялашдан иборат.

#### *Адабиётлар рўйхати:*

1. Мавлонова Р.А., Санакулов Х.Р., Ходиева Д.П. *Меҳнат ва уни ўқитиши методикаси. Ўқув қўлланма.* - Т. 2007.
2. Санакулов Х., Ходиева Д., Санакурова А. 2-3-синф. «Меҳнат таълими» дарслиги. -Т.: «Шарқ», 2012.
3. Санакулов Х., Рустамова М., Исматова Т., Носирова М. *Бошлиғич синфларда меҳнатдан синфдан ташқари ишлар.* - Т, 2014.
4. Магзумов П.Т., Антонов А.Ф. ва бошкалар. *Ўқувчиларни меҳнат ва касб танлашга тайёрлаш.* - Т.: «Ўқитувчи», 1991.
5. Шодиев Н.Ш. *Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиши.* - Т.: «Ўқитувчи», 1987. -232-б.
6. Каримов И.А. *Юксак маънавият - енгилмас куч.* - Т.: «Маънавият», 2008. -63-б.

© Курбонова Шоира Нарзуллаевна, 2020  
 © Тўймуродова Нилуфар И smoil қизи, 2020

## TEXNOLOGIYA TA'LIMI ORQALI O'QUVCHILARDA TEJAMKORLIK VA TADBIRKORLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH

*Rapiqov Ibrayimjon Ganiyevich,  
 o'qituvchi  
 Namangan davlat universiteti*

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы обучения учащихся начальных классов в духе бережливости и предпринимательства посредством технологического образования.

**Ключевые слова:** преемственность, экономика, предпринимательство, инициатива, качество, воля, наблюдение.

**Annotation.** This article discusses the issues of teaching primary school students in the spirit of frugality and entrepreneurship through technological education.

**Keywords:** succession, economy, entrepreneurship, initiative, quality, will, observation

О'tkazilgan ilmiy tadqiqot ishlari shuni ko'rsatadiki, boshlang'ich sinflarni tugatgan ko'pchilik o'quvchilarda ta'lif jarayonida o'z – o'zini anglamaslik, o'qish, yozish, mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikka nisbatan munosabat, qiziqish, ko'nikma va malakaning yo'qligi, o'z xatti – harakatlarini baholay olmaslik, o'quv topshiriqlariga jiddiy munosabatda bo'lmaslik hollarini uchratish mumkin. Bu esa yuqori sinflarda ta'lif jarayonining keskin o'zgarishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi, ta'lilda sifat va samaradorlikning pasayib ketishiga sabab bo'ladi. Shuning uchun

	математики.	
46.	<b>Курбонова Шоира Нарзуллаевна.</b> Бошланғич синф технология дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш	205
47.	<b>Курбонова Шоира Нарзуллаевна, Тўймуродова Нилуфар Исмоил қизи.</b> Технология дарсларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда ижодкорлик ва дунёқарашни шакллантириш	208
48.	<b>Rapiqov Ibrayimjon Ganiyevich.</b> Texnologiya ta’limi orqali o’quvchilarda tejamkorlik va tadbirkorlik sifatlarini shakllantirish	212
49.	<b>Rapiqov Ibrayimjon Ganiyevich.</b> O’quvchilarni mehnat tarbiyasida mutafakkirlarning qarashlari	215
50.	<b>Таджибаев Салимжон Сабиржанович.</b> Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат тўгаракларини ташкил этиш	220
51.	<b>Волкова Наталья Алексеевна, Эрлих Наталья Альбертовна.</b> Повышение уровня сформированности нравственных качеств у детей старшего дошкольного возраста средствами экологического образования	224
52.	<b>Qosimova Gavhar Islomovna.</b> Boshlang’ich sinf o’quvchilari shaxsining rivojlanishida “atrofimizdagi olam” fanining o’rni	230
53.	<b>Землина Юлия Вячеславовна.</b> Бошланғич синфларда табиатшунослик фани дарсларини кузатишнинг методологик ёндашуви	234
54.	<b>Tursunaliyeva Feruza Mirzakhmadovna.</b> Boshlang’ich ta’limda tabiatshunoslik fanining ahamiyati	238
55.	<b>Малозёмова Ирина Ивановна.</b> Формирование основ учебной культуры учащихся начальных классов	242
56.	<b>Каракотова Светлана Абугалиевна.</b> Использование идей народной педагогики в умственном воспитании младших школьников	246
57.	<b>Урлякова Любовь Николаевна, Чикова Ирина Вячеславовна., Социально-педагогическая поддержка младших школьников и семей «группы риска»</b>	250
58.	<b>Asqarova Dilorom Qurbanovna, Asqarova Gulsanam.</b> Bola tarbiyasida oila, maktab va mahalla hamkorligi	253
59.	<b>Abdullayeva Kibriyo Ravshanbekovna.</b> O’quvchilarning faolligini oshirishda xalq pedagogikasi vositalaridan foydalanish	255
60.	<b>Abdullayeva Kibriyo Ravshanbekovna.</b> Xalq pedagogikasi vositasida o’quvchilarning ijtimoiy faolligini oshirish	259
61.	<b>Нуридин Ахмадиев.</b> Илм-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг ёш авлод камолотидаги ўрни	262
62.	<b>Mo’manova Go’zalxon G’ulamjanovna, Muhammadxanova Maftuna.</b> O’quvchi tarbiyasida xalq pedagogikasining ahamiyati	266
63.	<b>Mo’manova Go’zalxon G’ulamjanovna, Munavarxonova Maftuna Muzaffarxon qizi.</b> O’quvchilar ongida ma’naviy dunyoqarashni rivojlantirish	268
64.	<b>To’uchiyeva Shoyista, Z.Seydaliyeva, To’rayev Botirjon.</b> Mahmud qoshg’ariy va yusuf hos hojibning qarashlaridagi farqlari	271
65.	<b>Крайнская Анастасия Андреевна.</b> Педагогические условия формирования нравственных представлений у младших школьников	276
66.	<b>Холиков Аззам Абдусаломович.</b> Ўқувчилар билан педагогик мулоқотни ташкил этиш босқичлари	281
67.	<b>Попрядухина Наталья Григорьевна.</b> Влияние социально-психологических условий на нравственное развитие младших школьников	287
68.	<b>Ворошилова Валентина Михайловна, Голубева Ольга Петровна.</b> Сущностная характеристика понятия «познавательная активность младших школьников»	291
69.	<b>Мантрова Мария Сергеевна.</b> Взаимоотношения младшего школьника с	295

Сборник научно-методических статей

**III-Международная научно-практическая конференция:  
«НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ»**

Обсужден на расширенном заседании Научно-технического совета Наманганского государственного университета 10.02.20 и одобрено к публикации в качестве научного сборника.

**Редакционная коллегия:**

Ответственный редактор: Б.К.Саттаров

Технический редактор: Ш.У.Корабоев

Редактор: Г.Г.Муминова

*Сдано в печате: 25.06.2020*

*Офисная бумага*

*Формат: 60x84/16*

*Объём: 18,8 п.л.*

*Тираж: 100 экз.*

Частное предприятие “Fazilatorgtexservis”  
город Наманган, улица Наваи, дом №72